Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси*

бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
25 · 08 2018 йил

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

## 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» августа даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи** ........................................ | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.................. | 5 |
| **2.** | ***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**.................................................... | **7** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар...................................................................................... | 7 |
| 2.2. | *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари....................................................... | 7 |
| **3.** | ***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**..................................................... | **9** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар...................................................................................... | 9 |
| 3.2. | *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми........................ | 11 |

## 1. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларининг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуйини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси*** бакалавриат таълим йўналиши – иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, ғазначилик бўлинмаларида давлат бюджетининг

ғазна ижросини ташкил этиш, ягона ғазна ҳисобварағини юритиш асосида давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағларини бошқариш, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларни юридик ҳамда молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларини амалга ошириш, бюджет ташкилотларини ва бюджетдан маблағ олувчиларни харажатлар тўловини амалга оширишга йўналтирилган бюджет маблағларини сарфланишини оптималлаштириш мониторингини амалга ошириш, давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш, мудофаа мажмуи ва ҳуқукни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа маҳфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижросини амалга ошириш, давлат харидини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талаблари асосида электрон савдоларда ва электрон каталогларда иштирок этилганлигини назорат қилиш, қонунчиликда белгиланган тартибда давлатнинг ташқи ва ички қарзларига хизмат кўрсатиш, давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, Ўзбекистон Республикасига келган беғараз ёрдам ва техник кўмаклашиш маблағларига оид ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Молия Вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, давлат солиқ хизмати ва божхона органлари, бюджет ташкилотлари, жумладан, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ва давлат бюджетларини ижро этишда пулда ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисобланади.

***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- бюджетнинг ғазна ижросини ташкил этиш;
- давлат бюджети даромад ва харажатлари касса ижросини амалга ошириш;
- давлат мақсадли жамғармалари даромад ва харажатлари касса ижросини амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг юридик ва молиявий мажбуриятларини рўйхатга олиш;
- давлат бюджети пул маблағлари оқимини режалаштириш ва бошқариш;
- мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлариининг бюджет харажатлари ва бошқа характерга эга бўлган бюджет харажатларининг газна ижросини амалга ошириш;
- давлат харидини амалга оширишда норматив талаблар асосида электрон савдоларда ва электрон каталогларда қайд этилишини назорат қилиш;
- бюджет интизомига амал қилиниши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;
- бюджет маблағлари сарфланиши мониторингини амалга ошириш;
- бюджетнинг ғазна ижросига оид бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;
- давлатни ташқи ва ички қарзларига хизмат кўрсатиш;
- беғараз ёрдам ва техник кўмаклашиш маблағларига оид ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш.

**1.2.3. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *молиявий-иқтисодий;*
- *ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *педагогик (умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- *иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи* магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин;
- шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- гуманитар, табиий ва илмий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар, уларнинг ривожланиши ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши ва билимларни эгаллаши ҳамда улардан ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана олиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаши, ўз касбий фаолиятида қарорларни қабул қила олиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши ва ривожлантириши, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзига амал қилиш тассаввури ҳамда эътиқодига *эга бўлиши лозим.*

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган касб ва лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўшимча касб таълимини олиш учун тайёрланади.

**2.2. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- давлат молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ғазна ижросини амалга ошириш;
- давлат молиявий назоратини амалга ошириш;
- бюджет маблағларини сарфланишини оптималлаштириш мониторингини амалга ошириш;

- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларни смета харажатлари касса ижросини амалга ошириш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- бюджетнинг ғазна ижросиға оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджети касса ижросига оид маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- бюджет тизими бюджетлари ижросини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- бюджет ҳисоби ва назоратини юритиш;
- бюджет тизими бюджетлари ижроси бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- ҳисоб ва таҳлилни юритиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- бюджетни ғазна ижросини ташкил қилиш;
- давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш;
- давлат харидини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талаблари асосида электрон савдоларда ва электрон каталогларда иштирок этилганлигини назорат қилиш;
- бюджет даромадлари ва харажатлари касса ижросини назорат қилиш;
- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларни қабул қилган юридик ҳамда молиявий мажбуриятларини рўйхатга олишини ташкил этиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- бюджетни ғазна ижросига оид бюджет ҳисобини ташкил этиш ;
- давлатни ташқи ва ички қарзларини бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан назарий- амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

- мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишда ошириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

### 3. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

*5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган дастлабки еттита фанларнинг мазмуни умумий талаблар асосида белгиланади.

**Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

- ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиш;

- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиш;

- иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;

- иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

- иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва категорияларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш;

- микро ва макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг ўзаро алоқаси, макроиқтисодиётни тартибга солишнинг зарурлиги ва бунда давлатнинг роли, ишлаб чиқариш, рақобат, капитал бозор ва иқтисодий самарадорлик ҳақида назарий хулосалар чиқариш;

- иқтисодий ислоҳотларни олға суриш, иқтисодни умумжаҳон хўжалигига кириб бориш учун бошқарув муносабатлари механизмини мукаммал эгаллаш ва иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш услубларини, товарларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш муаммоларини комплекс, системали ечиш услублари бўйича илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаш;

- бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисобот халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташкил этиш ва юритиш, шунингдек, иқтисодиёти ривожланган давлатларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тизими тамойилларини билиш;

- молиявий кўрсаткичлар, коэффициентлар, рейтинглар асосида молиявий ҳолати тўғрисида хулосалар тайёрланиши билиш.

- корхонани таъсис этишда ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳисобот, молия ва таҳлилнинг услубий томонлари билиши ва улардан фойдалана олиш;

- бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиниши, суғурта фаолияти субъектлари, жумладан, суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанслар фаолияти ҳамда суғурта соҳалари ва турларига доир билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириш;

- молия бозори, қимматли қоғозлар бозори тушунчалари ва уларнинг шаклланиши, ҳолати ва ривожланиши, уларнинг умумжаҳон интеграциялашуви масалаларини тушуниши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириш;
- ғазначилик бўлинмаларида бюджет ижросини ташкил қилиш, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда давлат давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, таҳлил этишни амалга ошириши ва хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини эгаллаши;
- Давлат бюджети лойиҳасини тузиш кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва уларни ижросини амалга оширишда назарий ва амалий билимларни ўзлаштириши;
- бюджетни ғазна ижроси ҳисобини юритиш асосида бюджет ижроси жараёнига тегишли қарорларни қабул қилишга асос бўлувчи молиявий ахборотларни шакллантиришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиши;
- марказлашган ва марказлашмаган мақсадли пул фондларини ҳосил қилиш, жамлаш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ёки ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатларни чуқур англаб етиши;
- Ўзбекистон пул ва банк тизимининг ўзига хос жиҳатларини, шунингдек, мамлакатнинг халқаро молиявий институтлар билан амалга ошираётган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини тушуниб етиши;
- иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар, уларнинг ривожлантириш тенденциялари, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жалб қилиш масалалари, иқтисодиётда инновацияларни ривожлантиришнинг хориж тажрибаларини ўзлаштириш;
- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

давлат харидларини амалга оширилишини таъминлаши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳатларни бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарда барқарорлигини таъминлаши лозим.

***Танлов фанлари бўйича:***

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.**

*5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* бакалавриат таълим йўналишида малакавий амалиёт қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- битирув олди.

**Ўқув-танишув амалиёти** - талабаларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тузилмалар фаолияти билан умумий тарзда таништириш мақсадида амалга оширилади. Хусусан, мазкур вазирликнинг тузилмаларида фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бу жараён:

- Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш ва назорат қилишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги тўғрисида” ги Низомлар;
- Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари;
- молия органлари давлат бюджети ижроси шароитида бюджет бўғинлари фаолиятини тартибга солиш;
- молия органлари давлат бюджети ижроси шароитида ғазначилик хизмати фаолиятини ташкил этиш;
- бюджети ижроси юзасидан молия органлари ва ғазначилик органлари ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш;
- бюджети ижросида бюджетдан маблағ олувчилар молиявий режаларини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш жараёнлари билан танишиш;
- бюджет меъёрларини қўллаш, молия ва ғазначилик органларнорганлари фаолиятида замонавий компьютер техгнологияларидан фойдаланиш;
- маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлашда бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тайёрлаш;
- молия ва ғазначилик органлари фаолияти, таркибий тузилиши, функционал ваколатлари билан танишиш;
- бюджет тизимининг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича *кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.*

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - ихтисослик фанлари блоки таркибидаги фанлардан ўтказилади. Таълим йўналиши талабаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида мустақил ишлаш кўникмаларини қарор топтириш мақсадида ўзлаштирган билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустаҳкамлашини таъминлашга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- бюджет тизими бюджетлари ғазна ижросини таъминлаш механизмларини амалга ошириш;
- юридик мажбуриятларни шакллантириш ва хўжалик шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобини юритиш;

- шартномаларини рўйхатдан ўтказишда ва ҳисобга олишда нарх ечими ҳамда нархлар мониторингини амалга ошириш асосида назорат қилиш;

- қабул қилинган молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ҳамда харажатлар тўловини шакллантириш;

- нақд ва нақдсиз тўловларни амалга ошириш ва назорат қилиш;

- ЎРМВ АТ ваа «UzASBO» ДМ лар асосида ғазна ижроси механизмини ташкил этиш амалиётини таҳлил этиш;

- товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бўйича шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишни бошқариш;

- буюртмачиларнинг ЯҒҲга маблағ ундириш бўйича инкассо топшириқномалари ва тўлов талабномаларини ижро этилиши қарорларини қабул қилиш;

- бюджетлараро трансфертлар бўйича тўловларни амалга ошириш тартибларини шакллантириш;

- бюджет ғазна ижроси юзасидан мониторинги бўйича кўникмаларни эгаллашига қаратилган.

**Битирув олди амалиётида** талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, давлат молиясини бошқариш ислоҳотлари шароитида соҳа муаммоларини аниқлаши ҳамда уларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириши, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантиришни назарда тутилган.

Бунда:

- битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;
- ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;
- бюджет тизими бюджетлари ғазначилик механизми фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий-амалий фаолият орқали иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни ҳимоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- кадр тайёрловчи факультет(кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;
- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:**

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг та-

лабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириги учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, хажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳакидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

**3.3.** ***5232000 - Давлат бюджетининг газна ижроси*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим | 58,8 %; |
| аттестация | 8,8 %; |
| таътил | 15,7 %; |
| малака амалиёти | 14,7 %; |
| битирув малакавий иши | 2,0 %. |

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар | 25,64 %; |
| умумкасбий фанлар | 40,28 %; |
| ихтисослик фанлар | 28,83 %; |
| қўшимча фанлар | 5,25 %. |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

Давлат бюджети; бюджет жараёни; бюджетдан маблағ олувчилар; молия йили; даромадлар; харажатлар; харажатлар тўлови рухсатномаси; даромадлар ва харажатлар сметаси; ғазна ижроси; ғазначилик бўлинмалари; ғазначиликда тўловлар; бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақ; шахсий ғазна ҳисобварақ; ягона ғазна ҳисоб рақам; ғазначиликда тўлов тизими; давлат хариди; юридик мажбурият; молиявий мажбурият; электрон савдо; электрон каталог; давлат қарзи; давлат ташқи қарзлари; давлат ички қарзлари; давлат кафолатларини таъминлаш; молиявий назорат объектлари.

Илова

***5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси* йўналиши бўйича таълим йўналиши таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1790** |
| 1.01 | Фуқаролик жамияти | 94 |
| 1.02 | Фалсафа | 128 |
| 1.03 | Диншунослик | 64 |
| 1.04 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.05 | Хорижий тил | 356 |
| 1.06 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.07 | Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари | 208 |
| 1.08 | Иқтисодчилар учун математика | 312 |
| 1.09 | Статистика | 184 |
| 1.10 | Эконометрика | 80 |
| 1.11 | *Танлов фанлари* | *86* |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **2334** |
| 2.01 | Иқтисодиёт назарияси | 338 |
| 2.02 | Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт | 272 |
| 2.03 | Менежмент. Маркетинг | 202 |
| 2.04 | Молиявий ва бошқарув ҳисоби | 240 |
| 2.05 | Молиявий таҳлил | 230 |
| 2.06 | Аудит | 240 |
| 2.07 | Солиқлар ва солиққа тортиш | 230 |
| 2.08 | Суғурта назарияси ва амалиёти | 230 |
| 2.09 | Молия бозори | 138 |
| 2.10 | *Танлов фанлари* | *214* |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **2010** |
| 3.01 | Ғазначилик | 660 |
| 3.02 | Бюджет ҳисоби | 204 |
| 3.03 | Ғазначиликнинг дастурий комплекслари | 94 |
| 3.04 | Хорижий мамлакатлар ғазначилик тизими | 210 |
| 3.05 | Молия | 234 |
| 3.06 | Пул ва банклар | 234 |
| 3.07 | Инвестиция ва инновациялар | 172 |
| 3.08 | *Танлов фанлари* | *202* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **346** |
| | **Жами** | **6480** |
| | Малакавий амалиёт | 1620 |
| | Битирув малакавий иши | 216 |
| | Аттестациялар | 972 |
| | **Жами** | **2808** |
| | **Ҳаммаси** | **9288** |

**Изох:**

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.

2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун Илмий кенгашнинг қарори билан фойдаланилади.

3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкламасининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда, айрим семестрларда ҳафталик юкламалар ҳажмини эркин белгилаш ҳуқуқи берилади.

4. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўқув жараёни давомида амалга оширилади.

5. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиш ҳам киритилади.

6. Хорижий тил фанининг охирги семестрларида битирувчи курслар учун қўшимча фанлар блоки ва танлов фанлари соатлари ҳисобидан ҳар ҳафтада 2 соатдан "Амалий инглиз тили" фани ўқитилади.

7. *Жисмоний тарбия ва спорт фани таркибида "Валеология асослари" курсидан 10 соат ҳажмда маъруза, 8 соат ҳажмда амалий машғулот ўқитилиши кўзда тутилади.

8. Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

9. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

**"Бюджет ҳисоби" кафедраси**
**мудири, и.ф.д., проф.** **А.Ж.Туйчиев**

**Ишлаб чиқувчилар ва келишилган кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент молия институти**

**Ректор** ________________ **Н.Хайдаров**

201_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги**

**Бошлиқнинг биринчи ўринбосари** ______________ **Д.Пўлатов**

201_ йил «_____» ________________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим**
**вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар**
**таълимини**
**Ривожлантириш маркази**

**Директор**________ **Б.Раҳимов**

201_ йил «_____» _________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Мактабгача таълим вазирлиги**
**Молиялаштириш,**
**бухгалтерия ҳисоби**
**ва ҳисоботи бошқармаси**

**Бошқарма**
**бошлиғи**____________**Ш.Пардаев**

201_ йил «_____» ________________

М.Ў.

## Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

**Бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар олчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талабл (касбий компетентлик талаблари)**

| | | |
|---|---|---|
| | **номи** | **Вазирликнинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фао қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблар** |
| | **Давлат бюджетининг ғазна ижроси таълим йўналиши** | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши** |
| | | давлат молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана |
| | | давлат бюджети ва давлат мақсадли жамгармалари бюджетларининг газ амалга ошириш; |
| | | бюджетни ғазна ижросига оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил |
| | | бюджет ҳисоби ва назоратини юритиш; |
| | | бюджетнинг ғазна ижроси ҳисобини юритиш жараёнида замонав технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш; |
| | | давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқари ошириш; |
| | | давлат харидини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талаблари асоси савдоларда ва электрон каталогларда иштирок этилганлигини назорат қила о |
| | | қонунчиликда белгиланган тартибда давлатнинг ташқи ва ички қарзла кўрсатиш; |
| | | Ўзбекистон Республикасига келган беғараз ёрдам ва техник кўмаклашиш м оид ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш. |

**Ўзбекистон Республикаси**
**Мактабгача таълим вазирлиги**
**Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи**

**Ш.Пардаев**

**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг «Иқтисод» Ўқув-услубий бирлашмаси 5 –сонли баённомасидан**

**КЎЧИРМА**

2018 йил “ 7 ” Июль Тошкент шаҳри

**Қатнашдилар:** проф. Б.Ю.Ходиев - раис, Н.Хайдаров, Ғ.Заҳидов, Ш.Мусафакулов, И.Кўзиев, Б.Усманов-масъул котиб, Д.Ахмедов, А.Каримов, З.Адилова, Б.Умирзоқов, Ш.Эргашхўжаева, З.Мукумов, Н. Йўлдошев, А. Кучаров, А. Жўраев, Т.Маликов, А. Омонов, А. Каримов, Р. Холбеков, З. Умаров, М. Аскаров, Л. Зойиров, А. Аюбжонов, И.Абдурахмонов, Г.Абдурахмонова, А. Тўйчиев, Б. Маматов, Т. Баймуратов, Б. Хажиев, И.Хотамов, С.Худойкулов, Ф.Насриддинов, Н. Исмоилова, М. Аманбоев, Г. Мелибоева

**К У Н  Т А Р Т И Б И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III қисми, 2018 йил 4 июндаги “2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ва 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322 – сон хати ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофик бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси.

**Э Ш И Т И Л Д И :**

**проф. Б.Ю.Ходиев** –Ўқув-услубий бирлашма раиси. Мамлакатимизда қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий- ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам узвий ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таълим йўналишлари

(мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуктаи назаридан унификацияланди ва ўқув режаларидаги фан блоклари яхлитланди, фанлар таркиби ўзаро мувофиқлаштирилди. Шундан келиб чиқиб, таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гурух аъзолари томонидан таълим йўналиш (мутахассислик) ларининг малака талаблари ва ўқув режалари янгидан ишлаб чиқилган. Уларга кадрлар истеъмолчилари, вазирлик ва идоралар, турдош олий таълим муасссаларидан тақризлар олинган.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари, Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиш (магистратура мутахассислик) ларининг малака талаблари ва ўқув режаларини атрофлича муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

## СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

**1. Проф. Н.Хайдаров** – Ўқув-услубий бирлашма аъзоси. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, инновацион ривожланиш шароитида иктисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви жараёнида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига жадал жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълимнинг норматив ҳужжатлари, хусусан, таълим йўналиш(магистратура мутахассислик)ларининг малака талаблари ва ўқув режаларини халқаро амалиётнинг академик стандартлари билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилган.

Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётганислоҳотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чукур назарий билим ҳамда амалий кўникмаларни пухта эгаллаган, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга мўлжалланган. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиклашларингизни сўрайман.

**2. проф. А.Кучаров, проф. А.Жўраев, доц.Б.Маматов, доц.А.Омонов ва бошқа ўқув-услубий бирлашма аъзолари** ҳам сўзга чиқиб, Тошкент молия институти етакчилигида турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда кадрлар буюртмачилари иштирокида ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари белгиланган талаблар асосида тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислоҳотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, таянч ОТМ сифатида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

**3. Доц. Б.Усманов** – Ўқув-услубий бирлашма котиби. Тошкент молия институти етакчилигида турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари инобатга олинган. Шунга кўра,

муҳокамага қўйилган бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалар ини маъқуллаш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) нинг янгиланган Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини "Иқтисод" ўқув-услубий бирлашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| **Т/р** | **Бакалавриат таълим йўналиши ва мутахассислик номи** | | **Бакалавриат таълим йўналиши** | **Магистратура мутахассис-ликлари** |
|---|---|---|---|---|
| | | | **5-босқич** | **5А-босқич** |
| 1 | **Таълим йўналиши:** | **Молия** | **5230600** | |
| | Мутахассислик: | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича) | | 5А230602 |
| | | Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | | 5А230603 |
| | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 2 | **Таълим йўналиши:** | **Банк иши** | **5230700** | |
| | Мутахассислик: | Банк иши (фаолият турлари бўйича) | | 5А230701 |
| | | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 3 | **Таълим йўналиши:** | **Солиқлар ва солиққа тортиш** | **5230800** | |
| 4 | **Таълим йўналиши:** | **Бухгалтерия ҳисоби ва аудит(тармоқлар бўйича)** | **5230900** | |
| | Мутахассислик: | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | | 5А230901 |
| | | Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | | 5А230902 |
| | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |
| 5 | **Таълим йўналиши:** | **Суғурта иши** | **5231200** | |
| | Мутахассислик: | Суғурта иши | | 5А231201 |
| 6 | **Таълим йўналиши:** | **Пенсия иши** | **5231300** | |
| | Мутахассислик: | Пенсия иши | | 5А231301 |
| 7 | **Таълим йўналиши:** | **Баҳолаш иши** | **5231500** | |
| | Мутахассислик: | Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича) | | 5А231501 |
| 8 | **Таълим йўналиши:** | **Давлат бюджетининг ғазна ижроси** | **5232000** | |
| 9 | **Таълим йўналиши:** | **Корпоратив молия** | **5232100** | |
| 10 | **Таълим йўналиши:** | **Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш** | **5232700** | |
| 11 | **Таълим йўналиши:** | **Электрон тижорат** | **5232800** | |
| ***Жами: 23 (11/12) та малака талаблари ва ўқув режалари*** | | | | |

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Таянч ОТМ сифатида Тошкент молия институти томонидан кадрлар истеъмолчилари ва турдош олий таълим муассасалари вакилларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" қарори меъёрлари ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида кўрсатилган фанларнинг услубий таъминоти ўрганиб чиқилсин.

4. Малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, фанларнинг услубий таъминотини яратишда экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар инобатга олинсин.

5. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлатишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашиига тақдим этилсин.

**Бирлашма раиси** **Б. Ю. Ходиев**

**Масъул котиб** **Б. Б. Усмонов**

**Тошкент молия институтининг 5232000-Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўуиалиши бўйича малака талабиии ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида**
**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

**Тошкент шахри** **«____»__________2 0 1 _ й**

Биз, қуйида имзо чекувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги бошлиғининг биринчи ўринбосари Д.Пўлатов, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи Ш.Пардаев ҳамда Тошкент молия институти ўқув ишлари буйича проректори И.Қўзиевлар мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар хакида туздик.

**5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўналиши** малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Карори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдикланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-банди ва 2016 йил 1 мартдаги “Халкаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда кайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг Ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруғи асосида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чикилган.

**5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим** йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчилари - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

Янги ишлаб чиқилган малака талабида таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми, фанлариинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малака амалиётини ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан холда мазкур малака талабиии ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги бошлиғининг биринчи ўринбосари** — **Д.Пулатов**

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи** — **Ш.Пардаев**

**Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори** — **И.Қўзиев**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларига берилган**

## ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари Датури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури"нинг III қисми, 2018 йил 4 июндаги "2018-2019 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисда"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисда"ги ПҚ-3775-сонли Қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ва 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сон хатиижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус. касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари ишлаб чиқилди. Малака талабларини ишлаб чиқишда давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, қисқартмалар, йўналишнинг тавсифи, йўналишнинг касбий фаолиятлари тавсифи, бакалавр ва магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, бакалавриат таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари, бакалавр ва магистрларнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар, таълим дастурларининг татбиқ этилиши. ўкув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар. таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари, ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар, кадр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, эслатма, иловалар, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқувчилар. асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари билан келишилганлигини тасдиқловчи мухр ва имзолар ўз ифодасини топган.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника. технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб. иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар

билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради. Ушбу малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Япониянинг Кейо Университети профессори Н.Усуда, Англиянинг Бас Университети профессори Иан Кроуфорд, Лондон Ллойд синдикати профессори Ж.Гришин ва Япониянинг Васеда Университети профессори Т.Китамура ва бошқа чел эл мутахассисларининг таклифи ва ижобий хулосаси олинди. Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни тайёрланадиган кадрларга етказишга мўлжалланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот Марказида кўриб чиқилди:

| **Т/р** | **Бакалавриат таълим йўналиши ва мутахассислик номи** | | **Бакалавриат таълим йўналиши** | **Магистратура мутахассис-ликлари** |
|---|---|---|---|---|
| | | | **5-босқич** | **5А-босқич** |
| 1. | **Таълим йўналиши:** | Молия | **5230600** | |
| | Мутахассислик: | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори *(соҳалар бўйича)* | | 5А230602 |
| | | Инвестицияларни бошқариш *(тармоқ ва соҳалар бўйича)* | | 5А230603 |
| | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 2. | **Таълим йўналиши:** | Банк иши | **5230700** | |
| | Мутахассислик: | Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* | | 5А230701 |
| | | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 3. | **Таълим йўналиши:** | Солиқлар ва солиққа тортиш | **5230800** | |
| 4. | **Таълим йўналиши:** | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(тармоқлар бўйича)* | **5230900** | |
| | Мутахассислик: | Бухгалтерия ҳисоби *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230901 |
| | | Аудит *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230902 |
| | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |
| 5. | **Таълим йўналиши:** | Суғурта иши | **5231200** | |
| | Мутахассислик: | Суғурта иши | | 5А231201 |
| 6. | **Таълим йўналиши:** | Пенсия иши | **5231300** | |
| | Мутахассислик: | Пенсия иши | | 5А231301 |
| 7. | **Таълим йўналиши:** | Баҳолаш иши | **5231500** | |
| | Мутахассислик: | Баҳолаш иши ва риэлторлик *(объектлар бўйича)* | | 5А231501 |
| 8. | **Таълим** | Давлат бюджетининг ғазна ижроси | **5232000** | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **йўналиши:** | | | |
| 9. | **Таълим йўналиши:** | Корпоратив молия | 5232100 | |
| 10. | **Таълим йўналиши:** | Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш | 5232700 | |
| 11. | **Таълим йўналиши:** | Электрон тижорат | 5232800 | |
| | ***Жами: 23 та (11/12)*** | | | |

Умуман олганда, таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига ўрнатилган тартибда тасдиқланиши ва амалиётга татбиқ этилишини мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Банк-молия академияси**
**“Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил**
**ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.д.** **К.Хотамов**

2000 - Давлат бюджетниинг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўналиши бўйича чет эл малака
талабларидаги фанлар рўйхати

| University of London (Буюк Британия) | | | | Nagoya университети (Япония) | | | | Seattle University (A |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| аги ўқув и бўйича ларининг илари | Фан сони | Юклама ҳажми | | Амалдаги ўқув режаси бўйича блокларнинг номлари | Фан сони | Юклама ҳажми | | Амалдаги ўқув режаси бўйича блокларнинг номлари | Фан сони |
| | | Соатда | % | | | Соатда | % | | |
| ақаро содиёт | 6 | 600 | | Макроиқтисодиёт | | 600 | | Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил | 4 |
| содиёт | 6 | 600 | | Математика | | 600 | | Бюджет тизими | 4 |
| молияси | 6 | 600 | | Иқтисодиёт | | 600 | | Давлат молияси | 4 |
| лтерия . | 6 | 600 | | Молиявий асослар | | 600 | | Хориж мамлакатлари молия тизими | 4 |
| т тизими | 6 | 600 | | Молиявий ҳисоб | | 600 | | Бошқарув ҳисоби | 4 |
| - | - | - | | Халқаро молия | | 600 | | - | - |
| ами | 5 | 3000 | | | 6 | 3600 | | | 5 |

шкент молия институти
оджет ҳисоби" кафедраси мудири А.Туйчиев

**Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган**
**5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси**
**бакалавриат таълим йўналиши малака талабининг**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1. Мазкур 5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади, вазифалари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги “Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруғи асосида тайёрланган. Малака талаби таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга, “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, таълим-тарбияга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мукаммал амалга оширилишига қаратилди.

2. Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари, шу жумладан: таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи; таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви; таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобга олинди.

3. Малака талаби асосида таълим олувчиларда бюджетнинг ғазна ижроси соҳасида чуқур билим, ижодий қобилиятни намоён этиш, мустақил фикрлаш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

4. Ушбу 5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби халқаро тажриба, кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий ишланмаларни яратишда бюджет тизимига кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш, фаннинг ривожланиш даражаси ва илғор ютуқлари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар, олий таълимни ривожлантиришнинг жаҳон тенденцияси таълим йўналишлари билан қиёсий таққослаш асосида ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган.

5. Таълим турлари ва босқичлари бўйича таълим йўналиши малака талабининг келишилганлиги ва изчиллиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди. Хусусан, 5232000 - Давлат бюджетининг газна ижроси бакалавриат таълим йўналиши учун малака талабида кадрлар истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги таклифи асосида “Бюджетнинг ғазна ижроси ҳисоби” фани, Тошкент вилояти Молия бошқармаси таклифи асосида “Бюджет назорати” фани, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бош бошқармаси таклифи асосида “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” фани киритилди.

6. Ўқув юкламаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш; таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш ҳисобга олинди.

7. Таълим олувчиларни тайёрлашда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш, таълим фаолиятининг

сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

8. Малака талабининг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, Мазкур 5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

9. Мазкур 5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўналишининг малака талабига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти (фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграцияни таъминлаш, таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш) фаолиятларининг илгор меъёрлари киритилди.

10. 5232000 - Давлат бюджетининг ғазна ижроси бакалавриат таълим йўналиши малака талаби Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларига, шу жумладан, стандартлаштиришнинг асосий мақсадларига, республикада стандартлашга доир ишларни мақбул даражада ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш функциясига, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талабларига тўлиқ мос келади.

**Тошкент молия институти**
**“Бюджет ҳисоби” кафедраси мудири** **А.Туйчиев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI
KADRLAR BO'LIMI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

# ЎҚУВ РЕЖА

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тошкент молия институти ректори**
**_________________Н.Хайдаров**
**201__йил «___» ______________**
**м.ў.**

**Таълим йўналиши:**
*5232000 – Давлат бюджетининг ғазна ижроси*

**“КЕЛИШИЛДИ”**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири**
**_________________И.Мажидов**
**201__йил «___» ______________**
**м.ў.**

**Академик даража-БАКАЛАВР**
**Ўқиш муддати-4 йил**
**Таълим шакли-кундузги**

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Ҳафталар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Ўқув жараёни ҳафталари сони: | | | | | Таътил ҳафталари сони | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сентябрь | | | | Октябрь | | | | Ноябрь | | | | | Декабрь | | | | Январь | | | | Февраль | | | | | Март | | | | Апрель | | | | Май | | | | | Июнь | | | | Июль | | | | Август | | | | | Жами | шундан: Назарий ва амалий таълим | Аттестациялар | Малакавий амалиёт | Битирув малакавий иши | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 | 49 | 50 | 51 | 52 | | | | | | | |
| I | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | А | 43 | 36 | 5 | 2 | | 9 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | | | Т | Т | | А | А | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | Т | А | 43 | 32 | 5 | 6 | | 9 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | | А | Т | Т | А | | | | | | | | | | | | | | | А | А | М | М | М | М | М | М | М | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | А | 44 | 30 | 5 | 9 | | 8 | 52 |
| IV | | | | | | | | | | | | | А | М | М | М | М | Т | Т | М | М | М | М | М | М | М | М | М | А | | | | | | | | | | | А | Б | Б | Б | Б | Т | Т | Т | Т | | | | | 42 | 22 | 3 | 13 | 4 | 6 | 48 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 172 | 120 | 18 | 30 | 4 | 32 | 204 |

| | |
|---|---|
| | Назарий ва амалий таълим |
| А | Аттестациялар |
| М | Малакавий амалиёт |
| Б | Битирув малакавий иши ҳимояси билан ёки ихтисослик фанларидан Давлат аттестацияси |
| Т | Таътил |

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Талабанинг ўқув юкламаси (соатларда) | | | | | | | | | Соатларнинг курс, семестр ва хафталар бўйича тақсимоти | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Умумий юкламанинг ҳажми | | Аудитория машғулотлари (соатларда) | | | | | | Мустақил таълим | 1-курс | | 2-курс | | 3-курс | | 4-курс | |
| | | | | Жами | Маъруза | Амалий | Лаборатория | Семинар | Курс лойиҳаси (иши) | | Курслардаги ҳафталар сони | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | 43 | | 43 | | 44 | | 42 | |
| | | | | | | | | | | | Семестрлар | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | | | | | Семестрдаги аудитория машғулотлари хафталарининг сони | | | | | | | |
| | | соат | % | | | | | | | | 18 | 18 | 18 | 14 | 16 | 14 | 12 | 10 |
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | 1662 | 25,64 | 998 | 288 | 564 | 36 | 110 | | 664 | 24 | 15 | 6 | 6 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| | Ўзбекистон тарихи | 78 | | 54 | 26 | | | 28 | | 24 | 3 | | | | | | | |
| 1.01 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 | | 54 | 26 | | | 28 | | 24 | | 3 | | | | | | |
| 1.02 | Фалсафа | 128 | | 72 | 36 | | | 36 | | 56 | | | 4 | | | | | |
| 1.03 | Диншунослик | 64 | | 36 | 18 | | | 18 | | 28 | 2 | | | | | | | |
| 1.04 | Ўзбек (рус) тили | 150 | | 90 | | 90 | | | | 60 | 3 | 2 | | | | | | |
| 1.05 | Хорижий тил | 356 | | 196 | | 196 | | | | 160 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | | |
| 1.06 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 | | 72 | 10 | 62 | | | | 56 | 2 | 2 | | | | | | |
| 1.07 | Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари | 172 | | 108 | 36 | 36 | 36 | | | 64 | 4 | 2 | | | | | | |
| 1.08 | Иқтисодчилар учун математика | 348 | | 216 | 108 | 108 | | | | 132 | 8 | 4 | | | | | | |
| 1.10 | Эконометрика | 90 | | 56 | 28 | 28 | | | | 34 | | | | 4 | | | | |
| 1.11 | *Танлов фанлари* | *70* | | *44* | | *44* | | | | *26* | | | | | | | *2* | *2* |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **2610** | **40,28** | **1410** | **660** | **750** | | | **2к** | **1200** | **4** | **13** | **18** | **12** | **12** | **16** | **8** | **10** |
| 2.01 | Касбий психология | 100 | | 54 | 18 | 36 | | | | 46 | | 3 | | | | | | |
| 2.02 | Иқтисодиёт назарияси | 328 | | 180 | 72 | 108 | | | 1к | 148 | 4 | 6 | | | | | | |
| 2.03 | Микроиқтисодиёт Макроиқтисодиёт | 268 | | 144 | 72 | 72 | | | | 124 | | 4 | 4 | | | | | |
| 2.04 | Статистика | 236 | | 128 | 64 | 64 | | | | 108 | | | 4 | 4 | | | | |
| 2.05 | Менежмент. Маркетинг | 200 | | 108 | 36 | 72 | | | | 92 | | | 6 | | | | | |
| 2.06 | Молиявий ва бошқарув ҳисоби | 236 | | 128 | 64 | 64 | | | | 108 | | | 4 | 4 | | | | |
| 2.07 | Молиявий таҳлил | 224 | | 120 | 60 | 60 | | | | 104 | | | | | 4 | 4 | | |
| 2.08 | Аудит | 236 | | 128 | 64 | 64 | | | 1к | 108 | | | | | | | 4 | 8 |
| 2.09 | Солиқлар ва солиққа тортиш | 224 | | 120 | 60 | 60 | | | | 104 | | | | | 4 | 4 | | |

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2.10 | Суғурта назарияси ва амалиёти | 224 | | 120 | 60 | (6) | | | | 104 | | | | | 4 | 4 | | |
| 2.11 | Молия бозори | 126 | | 68 | 34 | 34 | | | | 58 | | | | | | | 4 | 2 |
| 2.12 | *Танлов фанлари* | *208* | | *112* | *56* | *56* | | | | *96* | | | | *4* | | *4* | | |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1868** | **28,83** | **988** | **494** | **494** | | | **5к** | **880** | | | **4** | **12** | **16** | **8** | **20** | **14** |
| 3.01 | Ғазначилик | 638 | | 336 | 168 | 168 | | | 2к | *302* | | | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 |
| 3.02 | Бюджет ҳисоби | 196 | | 104 | 52 | 52 | | | 1к | 92 | | | | | | 4 | 4 | |
| 3.03 | Ғазначиликнинг дастурий комплекслари | 90 | | 48 | 24 | 24 | | | | 42 | | | | | | | 4 | |
| 3.04 | Хорижий мамлакатлар ғазначилик тизими | 128 | | 68 | 34 | 34 | | | 1к | 60 | | | | | | | 4 | 2 |
| 3.05 | Молия | 228 | | 120 | 60 | 60 | | | 1к | 108 | | | | 4 | 4 | | | |
| 3.06 | Пул ва банклар | 228 | | 120 | 60 | 60 | | | | 108 | | | | 4 | 4 | | | |
| 3.07 | Инвестиция ва инновациялар | 166 | | 88 | 44 | 41 | | | | 78 | | | | | | | 4 | 4 |
| 3.08 | *Танлов фанлари* | *194* | | *104* | *52* | *52* | | | | *90* | | | | | *4* | | | *4* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **340** | **5,25** | **204** | **102** | **102** | | | | **136** | **2** | **2** | **2** | | | **4** | | **4** |
| | **Жами** | **6480** | **100,0** | **3600** | **1544** | **1910** | **36** | **110** | **7к** | **2880** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** | **30** |
| | Малакавий амалиёт | 1620 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Битирув малакавий иши | 216 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Аттестациялар | 972 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Жами** | **2808** | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Хаммаси** | **9288** | | | | | | | | | | | | | | | | |

**Изоҳ:**

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.
2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан фойдаланилади.
3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкламасининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда айрим семестрларда ҳафталик юкламалар ҳажмини эркин белгилаш ҳуқуқи берилади.
4. Талаба билимини баҳолаш рейтинг тизимига мувофиқ ўқув жараёни давомида амалга оширилади.
5. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиш ҳам киритилади.
6. Хорижий тил фанининг охирги семестрларида битирувчи курслар учун қўшимча фанлар блоки ва танлов фанлари соатлари ҳисобидан ҳар ҳафтада 2 соатдан “Амалий инглиз тили” фани ўқитилади.
7. *Жисмоний тарбия ва спорт фани таркибида "Валеология асослари" курсидан 10 соат ҳажмда маъруза, 8 соат ҳажмда амалий машғулот ўқитилиши кўзда тутилади.
8. Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.
9. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

| Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари | Ҳафталар сони | Семестр | Давлат аттестацияси |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 120 | 1-8 | Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ёки ихтисослик фанларидан Давлат аттетстацияси |
| Малакавий амалиёт | 30 | 2, 4, 6, 8 | |
| Аттестациялар | 18 | 1-8 | |
| Битирув малакавий иши | 4 | 8 | |
| Таътил | 32 | 1-8 | |
| **Жами** | **204** | | |

**“Бюджет ҳисоби” кафедраси мудири** ____________ **А.Туйчиев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI * KADRLAR BO'LIMI